



Хамиша сўйларди ўлим ҳақда у,

Ниҳоят тўхтади, уйида ажал.

Бас олди жонни, тайёр ҳолда у,

Орзу- умидларга боғланмаган гал.

Ҳали ҳам эсимда, мен кичкина гўдак эдим. Шамоллаб қолганим учун бир ҳафта касалхонада ётдим ва тузалиб чиқаётган вақтимда дўхтири отамга, “Хозирча унинг соғлиги яхши, лекин келажакда бу касалнинг таъсири бўлади”, - деб айтаётганини эшитиб қолдим.

Орадан кўп йиллар ўтди. Аввал йигит, кейин ота бўлдим. Баъзи вақтларда озгина ҳаракат қиласам, чарчоқ ва нафас сиқиши сезаман. Тўлиқ текшириш учун касалхонага бордим. Маълум бўлдики, менинг юрак (клапанлари) қопқоқларимда касаллик бўлиб, юрагимни операция қилиш зарур экан. Ёшлигимда шамоллашдан пайдо бўлган бу касаллик юрак ревматизмига олиб келибди. Мен дўхтирини операция ўрнига даволанаман деб кўндиришга уриниб кўрдим. Лекин у менга: “Операцияга бўлган эҳтиёжингга бир неча ойдан кейин ўзинг аниқ ишонч ҳосил қиласан”, - деди.

Ҳақиқатда бир неча ойдан кейин бу касаллик туфайли ҳолсизланиб қолдим. Умумий текшириш ва ундан кейинги тайёрлаш тадбирларидан кейин Аллоҳнинг қазойи- қадарига рози бўлиб, ишимни Аллоҳга топширишга қарор қилдим. Операциядан бир кун олдин касалхонага ётдим. Ўша кундан қариндошларим зиёрат қила бошладилар. Кўнглим тинч, хотиржам эдим. Мени операция қиласиган жарроҳ-дўхтири билан бир соатдан ошиқ ўтирдим. Операциядан олдинги кечак тинч ухладим.

Умуман ҳеч нарса ҳақида ўйладим...

Тонг азони билан уйғондим.

Аzonни эшитдим ва унинг садоси ичимда такрорланди.

Вужудим титраб кетди.

Ичимга ваҳима тушди, тинчлигим бузилди.

Менга нима бўляпти, ўзи?

Операция оғир, эҳтимол бу сенинг ҳаётдаги охирги кунингдир.

Эҳтимол бу сен эшитаётган охирги азондир...

Мени ҳар томондан ваҳима ўраб ола бошлади.

Ўтган умримда нималар қилдим?...

Бу савол кўзимдан шашқатор ёш оқизди.

Ўтган ҳаётим тушдек ўтиб кетди.

Нега мен Охират ҳақида ўйламадим?

Мана ўлим яқинлашиб қолди.

Ўзимга келиб қарасам ҳамшира тепамда турган экан.

“Сизга нима бўлди?“.

Унга жавоб бермадим. Чунки менда унга берадиган жавобнинг ўзи йўқ эди.

Лекин у изтироб чекаётганимни ва ҳаяжонланаётганимни сезди.

Гўё у буни кутгандек, қўлида ухлатиш учун наркозли шприц тутиб турарди.

Қўлимни узатдим...

Мен юрагимни жарроҳга топшираётганимни билиб турардим.

Хозир юрагимни ёрадилар.

Бутун операция давомида юрагим уришдан тўхтайди.

Операция тугаши билан юрагимни жонлантириш учун электр заряди юборилади.

Жавоб бермаса иккинчи марта электр зарби такрорланади...

Ундан кейин елкаларда олиб кетиламан...

Мана шу тафсилотларнинг ҳаммасини билишим менга ҳаётни арзимас ва эътиборсиз эканини билдириди.

Умримни бекор ўткизиб юбордим. Энди нима бўлади?!

Укол олиб, бир неча лаҳзадан кейин ухлаб қолибман...

Кейин менга маълум бўлдики, жарроҳ юрагимни саккиз соат давомида тўтовсиз операция қилган. Юрагим биринчи электр зарбidaёқ уриб

кетибди, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтдим.

Касалхонадан чиққанимдан кейин ҳар куни ўзимни ҳисоб-китоб қиладиган бўлдим. Мен ўлим тўшагида ётар эканман, кўзимдан шашқатор ёш оқизган ўша лаҳзани тез-тез эслайман.

Аллоҳга қандай рўбарў бўламан?...

Ва қайси амалим билан?...

Қачон ўша лаҳзани эсласам, тоатим ва Аллоҳга бўлган яқинлигим янада зиёда бўлади. Қачон ҳавои нафсим мени бепарволик ва дангасаликка тортса, ўша воқеани эслайман. Иккинчи марта ҳаётга қайтганим учун Аллоҳга шукр қиласман!